

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуриimiz бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 9 август • сешанба № 31 (1027)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz

www.insonvaqonun.uz

www.insonvaqonun.adliya.uz



✓ Элчи эътирофи

Владимир ТЮРДЕНЕВ,
Россиянинг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— ЖАҲОН тарихи учун йигирма беш йил қисқа муддат. Шундай бўлса-да, бу давр ичида Ўзбекистон Республикаси ўзига хос миллий тараққиёт йўлидан бориб, дунёнинг етакчи ривожланган давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Маълумки, иқтисодиётнинг "Ўзбек модели" кучли ижтимоий ҳимояга қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда оила институти, оналар ва болалар саломатлигига ғамхўрлик ҳамда кекса авлод вакилларига кўрсатилаётган юксак даражадаги эътибор алоҳида диққатга сазовордир. Айниқса, ҳар томонлама соғлом, юксак салоҳиятли баркамол авлод таълим-тарбияси мамлакатнинг устувор сиёсий йўналишларидан бирига айланган. Бу эзгу мақсад йўлида соғлиқни сақлаш, спорт, таълим ҳамда маданият соҳасини ривожлантириш борасида кенг қамровли ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, замонавий талабларга тўлиқ жавоб бера оладиган спорт мажмуалари ва поликлиникалар барпо этилди.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг иқтисодий ютуқларини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Назаримда, бу ютуқлар замирида тўғри танланган тараққиёт стратегияси ва миллий иқтисодий ислохотлар мужассам. Мамлакатда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, хусусий мулк дахлсизлиги ва тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижий инвестицияларнинг жалб қилиниши бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон тараққиётининг бундай юқори кўрсаткичга кўтарилишига шахсан давлат раҳбарининг пухта сиёсати ҳамда ўзбек халқининг меҳнатсеварлиги, юксак маънавияти, аниқ бир мақсад йўлидаги якдиллиги омил бўлмоқда.

Миллий ва замонавий ўзбек диёри тобора обод, кўркам тус олиб, дунё ҳамжамиятининг диққатини ўзига жалб қилмоқда.

Россия Федерацияси ҳар соҳада ишончли ҳамкор ва маслакдош бўлган Ўзбекистон Республикасининг янада ривожланиши, гуллаб-яшнаши ҳамда халқаро майдонда мустақам мавқега эга бўлишини чин дилдан истайди. Бу халқларимиз манфаатларига хизмат қилади ҳамда Марказий Осиёда барқарор тинчлик ва хавфсизликни таъминлайди.

Ўзбек-рус халқларининг тарих синовларидан ўтган қардошлиқ ришталари ва давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари ҳар икки давлат раҳбарлари томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасида янада мустақамланиб бормоқда.

Ўзбекистон халқини Россия Федерацияси элчихонаси ва шахсан ўзим номидан энг улуғ миллий байрамларидан бири Мустақиллик шодиёнасининг йигирма беш йиллиги билан самимий қутлайман. Мамлакатингиз аҳолисига мустақам соғлиқ, қут-барақа, муваффақият ва барча эзгу ниятларининг амалга ошишини тилайман. Ҳар бир хонадонда тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик ҳукм сурсин.

"Инсон ва қонун" мухбири
Фарида ҚОРАҚУЛОВА ёзиб олди.



МАМЛАКАТИМИЗДА амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар самарасида ҳаётимизда юз берган оламшумул ўзгаришларни узоғимизни яқин қиладиган транспорт воситалари ва равон йўллар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Эндиликда поездду автомобилларда манзилга бирпасда етиб олиш, нафақат, юртимиз шаҳарлари, балки узоқ хориж ўлкаларига ҳам бориб-келиш одатий ҳолга айланди. Бундан чорак аср муқаддам вокзалларда, автостанцияларда соатлаб улов кутган, "йўл азоби — гўр азоби", дея ўз-ўзимизга тасалли берган йўловчилар эмасмидик?!



✓ Истиқлол имконияти

Равон йўллар

узоғимизни яқин қилади

МУСТАҚИЛЛИК

тақдир ва толе порлоқлигидан нишона



✓ Ифтихор

БУГУН юртимизда юз бераётган ўзгаришларни, улкан бунёдкорликларни, бахтли-саодатли ҳаётимизни кузата туриб, бейхитёр қалбимизда шодлик ва шукроналик туйғуси жўш уради. Ҳа, гўзал диёримиз борган сайин ўзгача қиёфа касб этмоқда. Боз устига, далаларида қийос очилиб турган "оқ олтини", хирмони бугдой донларига тўлган, эл дастурхонини безаётган боғу роғларида сархил мевалар гарқ пишган, гулзору хиёбонлари ёшлар билан ғавжумлигини кўрган отахону онахонлар қўлларини дуога очиб, юртимизга тинчлик, омонлик тилаб хотиржам ҳаёт завқини сурмоқда.

Адлия
вазирлиги ва
унинг
худудий
органлари
"Ишонч
телефонлари"



1	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (371) 1008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09
2	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги (361) 1008, 223-71-93
3	Тошкент шаҳар адлия бошқармаси (371) 1008, 262-92-42
4	Андижон вилоят адлия бошқармаси (374) 1008, 223-48-55
5	Бухоро вилоят адлия бошқармаси (365) 1008, 223-74-16
6	Жиззах вилоят адлия бошқармаси (372) 1008, 223-52-57
7	Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси (375) 1008, 223-01-64
8	Навоий вилоят адлия бошқармаси (436) 1008, 223-83-59
9	Наманган вилоят адлия бошқармаси (369) 1008, 227-21-73
10	Самарқанд вилоят адлия бошқармаси (366) 1008, 233-04-62
11	Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси (376) 1008, 223-44-35, 223-26-84
12	Сирдарё вилоят адлия бошқармаси (367) 1008, 225-30-50
13	Тошкент вилоят адлия бошқармаси (371) 1008, 253-84-77
14	Фарғона вилоят адлия бошқармаси (373) 1008, 244-52-40
15	Хоразм вилоят адлия бошқармаси (362) 1008, 228-12-55
E-mail: info@minjust.gov.uz	



"ИНСОН ВА ҚОНУН"
ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна наркси — 137.
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz
Телефон: 298-19-97



"ҲУҚУҚ ВА БУРЧ"
иқтисодий ҳуқуқий журналга обуна бўлинг!
Обуна наркси — 902.
e-mail: info@huquqburch.uz
Телефон: 298-27-35



"Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами"
аффишаси расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна наркси — 940.
e-mail: info@adolatnashr.uz
Телефон: 298-29-45




"Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами"
расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна наркси — 910.
e-mail: info@adolatnashr.uz
Телефон: 298-29-45



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
www.adliya.uz расмий веб-сайти орқали
Сиз фаолитга оид батафсил
маълумотлар билан танишишингиз мумкин.


ТАҚДИР ВА ТОЛЕ ПОРЛОҚЛИГИДАН НИШОНА



Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, адлия органлари

Шерзод РАЖАБОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси
масъул ходими

УЗОҒИМИЗНИ ЯҚИН ҚИЛАДИ



— Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобига Шайхонтохур туманининг Абдулла Кодирий ва

15-20 йилдан буён ҳайдовчи-
ли қилиб келаман. Муस्ताқиллаб
оддин қурилган йўллар талабга
жавоб бермасди. Мана 4-5 йилдирки
шаҳар кўчалари ва ички йўللарда
жуда катта қурилиш ишлари амал-
га оширилди. Жумладан, Юнусобод
ва Шайхонтоҳур туманларини боғ-
ловчи Абдулла Қодирӣ ва Фафур
Ғулом кўчалари кесилган чорраха-
даги янги замонавий кўприк авто-
мобиль тирбандликларини тартиб-
га келтирди. Ҳозир бу кўчаларда
умуман тирбандликлар, ортиқча но-
қулайликлар йўқ. Қасбим тақозоси

Жамғарма маблағлари ҳисобидан 2010-2015 йилларда барча талабларга тўлиқ жавоб берадиган 8616,6 километр узунликдаги автомобиль

йўллари, шаҳар кўчалари ва ички йўللарда куриш, қайта куриш, тўла ва жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Халқимизда йўл, кўприк курган инсонлар тарихда қолади, дея таъриф берилиши бежиз эмас. Жорий йилда ҳам йўлсозларимиз томони-

дан 513 километр узунликдаги автомобиль йўллари қуриш ва қайта қуриш ишлари бажарилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2016 йилда Тошкент шаҳрининг 7,6 километр узунликдаги 3 та кўчаси-ни қуриш ишлари амалга оширил-моқда.

Жумладан, Нурафшон кўчасини, Беруний кўчасидан Оқ-тепа майдонигача (Бўрижар канали устидан ўтувчи кўприк билан бирга) 3,9 километр узунликдаги автомобиль йўлини куриш:

Нукус кўчасини, Бобур ва Муқимий кўчаси кесишмасидан Таштек-стильмаш худуди бўйлаб 0,7 кило-метр узунликдаги автомобиль йўли-ни қуриш;

Тараққийёт кўчасини, Мирзо Улугбек кўчасидан Оҳангарон шоссеси кўчасигача 3,0 километр узунликдаги автомобиль йўлини қуриш ишлари режалаштирилган.

Президентимизнинг 2015 йил 25 декабрдаги **“Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”**ги Қарорига асосан 2016 йилда Республика

йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 499 километр шахар кўчаларида таъмирлаш ва реконструкция қилиш, қишлоқ массивларидаги намунавий уй-йўللarning ички йўллари қуриш ишлари бажарилади.

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган қарориди таъкидланганидек:

“Олдин тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай оламшумул натижаларнинг асосий омиллини авваламбор тараққиёт йўлимиз-

авваламбор тараққиег иулимиз-
да тўсиқ бўлган турли қийинчи-
лик, етишмовчилик, оғир ва ма-
шаққатли синовларни енгиб
ўтишда одамларимиз, бутун ха-

лқимизнинг дунёкараши, меҳнатга, ҳаётга муносабати ўзгариб, уларнинг сийёсий онги, ижтимоий фаоллиги, ён-атрофдаги воқеаларга дахлдорлик ҳисси тобора кучайиб бораётганида кўриш даркор”.

Мадина ҲАМДАМОВА,
“Инсон ва конун” мухбири

Норматив-хукукий ҳуж-
жат лойиҳаларини ишлаб
чиқишда, энг аввало, жа-
мият ва давлат манфаат-
ларининг устувор йўна-
лишларини белгилаб олиш
муҳим аҳамият касб эта-
ди. Шу билан бирга, нор-
ма ижодкорлиги фаолияти-
тини прогнослаштириш ва
режалаштириш ривожлан-
ган ҳорижий мамлакатлар-
нинг қўнучилик тажриба-
сини мунтазам тадқиқ
этиш ҳамда ундан милли-

жамият ривожигаги роли ортмоқда

Дар ҳақиқат, бугунги кунда норма иҷодкорлиги фақатгина давлат органилари томонидан амалга ошириладиган фаолият бўлиб қолмаслиги фуқаролик жамияти қуришишнинг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Бунда норма иҷодкорлиги ҳарёамги фақат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларигина эмас, балки бугун жамоатчилик ҳам масъул эканлиги инобатга олинади.

Энг муҳими ҳар қандай ҳуқуқат мазкур ҳуқуқатни ишлаб чиқиш жамият аъзоларининг бевосита иштирок этиши бур бўлади. Мазкур исхот фуқароларнинг норхот-хуқуқий ҳуқуқат лойиҳаларини ишлаб қишда бевосита қатнаши, уларни янада тамиллаштиришга ҳисса олиши ҳамда мазкур лойиҳаларни қабул қилиш амалиётга татбиқ этиши ижобий ҳамда сибий оқибатлари юзасидан бевосита мнвсбатга

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида қонун ҳужжатларини баҳолаш тизимининг жорий этилганлиги ҳам ҳуқуқ иқдорлиги соҳаси ривожланишини янада янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади. Ушбу ислохот натижасида жамият аъзолари амалдаги қонун ҳужжатларининг тадбиркорлик фаолиятига таъсирини баҳолаш имкониятига эга бўлади.

зимки, норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг хуқуқий экспертиза қилиш норма ижодкорлиги фаолияти самарадорлигининг қафолатларидан бири ҳисобланади. Ушбу жараён қонун ва қонуности ҳужжатлари лойиҳаларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига шунингдек, қонунийлик теънаси қондиларига мувофиқлигини аниқлаш вазифаларини қамраб олади.

Шунинг билан бирга хуқуқий экспертиза лойиҳада тартибга солинаётган соҳага салбий таъсир кўрсатадиган зиддиятларини ва келиб чиқishi мумкин бўлган муаммоларини амалдаги норматив-хуқуқий ҳужжатларда мавжуд бўлган хуқуқий бўшлиқларини ва "оқ доғ"ларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш, қонунларнинг ҳаволаки нормаларини ишлаб чиқиш бўйича аниқ чора-тадбирлар

ларни кўриш имкониятини яратди. Ҳозирда мазкур вазифаларни амалга ошириш мақсадида давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида қонулларнинг ҳаволаки нормаларини киритишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш режалари тасдиқланиб, бу йўналишда самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда норма ижодкорлиги жамоатчилик фикрини ва халқро тахрибани ўрганиш асосида амалга оширилиб, ушбу фаолият жамият ва давлат манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини белгилайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва шу орқали миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштиришни назарда tutadi.

**Камолиддин
МУҲСИНОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими**

Савол-жавоб

— МАМЛАКАТИМИЗДА алкоголь ва тамаки маҳсулотларини жамоат жойларида истеъмол қилгани учун жазо чоралари кучайтирилган, деб эшитганман. Шулар ҳақида батафсил маълумот берсангиз?

Мусо ОБЛОКУЛОВ,
Зангиота тумани



— 2015 йилнинг 29 декабрида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, кодекс янги, 56-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, эндиликда чекиш тақиқланган жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилган шахсга энг кам иш ҳақининг учдан бири миқдоридан жазима солинади. Муқаддам қонунчиликда бундай жазо санкцияси мавжуд эмас эди. Қонунга мувофиқ, республикада 20 ёшга тўлмаган шахсларга алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш мумкин эмас. Чеклов нормалари баъзи ижтимоий соҳа объектларига ҳам тааллуқлидир. Иш жойларида, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт-соғломлаштириш муассасаларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда чекиш тақиқланади. Айрим транспорт воситаларининг белгиланган жойларида чекиш учун маъмурий жараён қўлланиларди. Энди жазо кучайтирилган. Поезд вагонлари, сув кемалари, йўловчи автобуслари, шаҳар ичидаги электротранспорт, маршрут ва такси салонларида сигарет чеккан киши олдингидек энг кам иш ҳақининг йигирмадан бири эмас, балки учдан бир қисми миқдоридан жазима тўлайди. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 187-моддасига кўра, бундан буён жамоат жойлари (ишхона, кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, истироҳат боғлари)да алкоголь маҳсулотини истеъмол қилувчиларга энг кам иш ҳақининг ярми ҳисобида жазима тайинланади. Илгари жазима миқдори энг кам иш ҳақининг учдан биридан учдан бир қисмигача ташкил қилган. Борди-ю бу турдаги ҳуқуқбузарлик бир йил мобайнида такрор содир этилса, маъмурий жазо энг кам иш ҳақининг икки баробаригача (аввал учдан биридан бир баробаригача) етказилади ёки ҳуқуқбузар 15 суткагача қамоққа олиниши ҳам мумкин.

Саволга Адлия вазирлиги масъул ходими
Ойбек ҚАЮМОВ жавоб берди.

Фаолият

Ижро ҳаракатлари

амалга оширилаётган жойларда жамоат тартибини таъминлаш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг 2006 йил 31 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлими билан ички ишлар органларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида жамоат тартибини таъминлаш бўйича Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 15 январда давлат рўйхати-дан ўтказилган йўриқнома қабул қилинган.

Ижро ҳаракатлари амалга оширилаётганда жамоат тартиби сақланишини таъминлаш талаб этилса, суд ижрочиси бу ҳақда суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлими катта суд ижрочисига маълум қилади.

Катта суд ижрочиси шу куннинг ўзида тегишли туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи номига ёзма талабнома билан мурожаат қилади. Бунда ёзма талабнома қоида тариқасида ижро ҳаракатларини амалга оширишдан бир кун олдин юборилиши лозим.

Шунингдек, катта суд ижрочисининг ёзма талабномасида ижро ҳаракатларини амалга ошириш учун асос, ижро ҳаракатлари амалга оширилган жой ва сана, ижро ҳаракатларини амалга ошириш муддатлари ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи катта суд ижрочиси томонидан юборилган ёзма талабномани олгач, ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимларини белгилайди. Бунда ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органи ходимларининг сони икки кишидан кам бўлмаслиги лозим.

Ижро ҳаракатлари жараёнида икки кишидан кўп бўлган миқдорда ички ишлар органлари ходимлари талаб этилса, ижро ҳаракатларида иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимларининг миқдори катта суд ижрочиси томонидан туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи билан келишилган ҳолда белгиланади. Ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этадиган ички ишлар органлари ходимлари туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғига юборилган ёзма талабномада кўрсатилган жойга ўз вақтида етиб келишлари лозим.

Ижро ҳаракатлари амалга оширилган жойга етиб келган ички ишлар органлари ходимлари жамоат тартиби сақланишини таъминлаш ҳамда юзага келадиган тўсиқларни бар-тароф этиш чораларини кўрадилар.

Ички ишлар органлари ходими ижро иши юритуви тарафларининг, улар вакилларининг ёки ижро иши юритишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг қариндоши бўлса ёхуд ижро иши юритиш натижасидан манфаатдор бўлса ёки унинг беғараз-лигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, суд ижрочиси томонидан ижро иши юритишда иштирок этишига

йўл қўйилмайди ва у рад қилинади.

Ички ишлар органлари ходими ушбу йўриқноманинг 8-бандида белгиланган ҳолатлар бўйича рад қилинган тақдирда, суд ижрочиси бу ҳақда ижро ҳаракатлари бўйича тузилган далолатномага тегишли қайд киритиб, мазкур ходимни ижро ҳаракатини амалга оширишда иштирок этишдан четлаштиради ва ижро ҳаракатини амалга оширишда иштирок этишдан четлатилмаган ички ишлар органи ходимлари билан ижро ҳаракатларини давом эттиради.

Ички ишлар органлари барча ходимларининг ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этиш рад қилинган тақдирда, суд ижрочиси томонидан туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғи номига ушбу ходимларни бошқа ходимлар билан алмаштириш тўғрисида ёзма талабнома юборилади. Ёзма талабномада ички ишлар органлари ходимларининг ижро ҳаракатларини амалга оширишда иштирокини рад қилиш сабаблари асосланганлиги белгилиши керак.

Талабнома тақдим этилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан бажарилиши лозим.

Суд ижрочиси ундирувчининг аризасига биноан

ижро ҳаракатлари амалга оширилишини кейинга қолдиришга ҳақли. Ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, суд ижрочиси ижро ҳаракатларини қарздорнинг аризасига биноан ёки ўз ташаббуси билан қўпи билан ўн кун муددат кейинга қолдириши мумкин.

Суд ижрочиси ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилган тақдирда қарор чиқаради ва бу ҳақда ижро иши юритиш тарафлари, ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга маълум қилади.

Ижро ҳаракатлари кейинга қолдирилганда суд ижрочиси томонидан бу ҳақда далолатнома расмийлаштирилади.

Ижро (ҳаракатлари амалга оширилганда ёки уларни амалга оширишнинг имконияти бўлмаганда) иши юритуви таъминланганда сўнг бу ҳақда далолатнома тузилади. Далолатномада ички ишлар органлари ходимларининг иштироки тегишли равишда қайд этилиб, ижро ҳаракати иштирокчилари ҳамда ички ишлар идораси ходимлари томонидан имзоланади ва уларга мазкур далолатнома нусхаси берилади.

Шу билан бирга ижро ҳаракатларида иштирок этган ички ишлар органлари ходимлари бу ҳақда туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғини хабардор қилади.

Исмоил ХОЛИҚОВ,
Суд департаментининг
Сурхондарё вилоят
худудий бошқармаси
бўлим бошлиғи

Эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Беруний туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига
ТАНЛОВ ЎТҚАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Элликқалъа туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бухоро вилояти
Қоровулбозор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Жиззах вилояти
Пахтакор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қашқадарё вилояти
Қарши шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Қосон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Муборак туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Навоий вилояти
Томди туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўқудуқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Наманган вилояти
Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Янгйўлқўрғон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Тўрақўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Бойсун туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Узун туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Самарқанд вилояти
Фаргона вилояти

Қува туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Беҳарик туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Қомисия номига ариза;
2. Ўқувчи нусхаси;
3. Ўқувчи нусхада тўғридан тўғридан шаклий ариза;
4. Мавот аризасининг нотариал ёки иш ҳолида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий қоридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Талабдорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан қўйма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимига ўқувчи бўлиб қолган талабдорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан қўйма);
7. Оқирғи иш ҳолидан берилган мавот фаолияти тўғрисидаги тасдиқнома.

Танловда йитириш беш ёшдан кичик бўлмаган, олий қоридик маълумотга, қоридик мутахассислиги бўйича қандай ҳам бўлса, иш мундариғи иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари орқали тақдим этилади. (Ҳужжатларни тақдим этишни охиригача санаи 2016 йил 8 сентябрь) Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.

Андижон вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 14 июлдаги 245-ўқ.сонли буйруғига асосан, Бўз туманидаги "Юрист" адвокатлик фирмаси ва адвокати Орипов Муроджон Тоштемуровнинг адвокатлик мақоми ҳамда Андижон вилоят адлия бошқармаси томонидан 2013 йил 6 августда берилган АН №000239-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши таътилади.

Сирдарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 29 июлдаги буйруғига асосан "ИМКОНИЯТ YANGIYER" адвокатлик бюросининг адвокати Солиев Худайберди Абдулловичга 2009 йил 25 майда берилган SI 000063-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокат мақоми 1 ой муددатга тўғрилади.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Фаргона вилоят худудий бошқармаси ҳузуридаги Малака комиссиясининг 2016 йил 23 июлдаги 04-сонли қарорига ҳамда Фаргона вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 25 июлдаги 277-ўқ.сонли буйруғига асосан, Фаргона шаҳридаги "Асоли ҳуқуқ" адвокатлик фирмаси адвокати Исмаил Абдували Тоғруновнинг лицензиянинг амал қилиши (лицензия 21.10.2012 йил FE №000288, адвокатлик гувоҳнома №286, 21.05.2013 й.) ва адвокат мақоми 3 ой муددатга тўғрилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 22 июлдаги 292-ўқ.сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "ТЕМРИЙ" адвокатлар хайриясининг адвокати Қазоков Бобир Қулоновнинг номига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 6 апрелда берилган SA 000388-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва унинг адвокатлик мақоми тўғрилади.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 26 июлдаги 30-А-сонли буйруғига асосан Жиззах шаҳридаги "YURIST" адвокатлик фирмаси адвокати Ризаев Мамрид Раҳимовнинг 2011 йил 24 июлда берилган GZ 000102-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда 2015 йил 19 августда берилган 234-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши унинг вафот этганлиги муносабати билан тўғрилади.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 19 июлдаги 196-ўқ.сонли буйруғига асосан "Б.Алламов" адвокатлик бюроси адвокати Алламов Бахтиёр Юлдашевнинг бошқарма томонидан 2009 йил 1 июлда ИЗ 000092-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўғрилади.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

— ЯКИНДА уй сотиб олмоқчи эдим. Нотариал идорасида бу уйга тақим қўйилган дейишди. Кўчмас мулкка ва автотранспорт воситасига тақим қўйиш тўғрисида тушунча берсангиз.

Нодир СОАТОВ,
Тошкент вилояти

— Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, шунингдек, банклар ҳамда бошқа кредит ва тегишли ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга уй, квартира, уй ёки квартиранинг бир қисми ва бошқа кўчмас мулк сотиб олиш ёки қайта таъмирлаш ва бошқа мақсадларда берилган қарзларнинг қайтарилишини таъминлаш учун кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса, гаров шартномаларини тасдиқлаш вақтида мазкур кўчмас мулк жойлашган ҳудуддаги нотариуси кўчмас мулкка нисбатан тақим қўяди ва бу ҳақда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси ҳудудий бўлинимасига хабарнома юборади. Кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатга нотариус томонидан тақим қўйилганлиги ҳақида белги қўйилди ва тақимлар ҳисобини олиб борилиши белгиланган давлат нотариал идорасига (куръер ёки бюрторма хатлар орқали) маълумот юборилади.

Саволга Зангиота туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Абдусотиқжа БОНСХУЖАЕВ жавоб берди.

— МЕРОС ҳуқуқи ҳақида маълумот берсангиз?

Собир РЎЗИЕВ,
Жарқўрғон тумани

— Мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан бошлаб олти ойлик муددат ўтгандан сўнг берилади.

Мерос олиш тўғрисидаги гувоҳнома белгиланган қонун-қоидаларга биноан меросни қабул қилиб олган меросхўрлар, яъни мерос мулкни эгаллашга амалда киришган ёки нотариал идорага меросни қабул қилиб олиш тўғрисида ариза топширганларгагина берилади.

Давлат нотариуси қонунга биноан мерос гувоҳномасини бериш вақтида мерос қолдирувчининг вафот этганлиги ҳолатини, мерос очилган вақт ва жойини гувоҳнома беришнинг сўраб, ариза берган шахсларнинг мерос қолдирувчи билан қариндошлик ёки бошқа муносабатлари мавжудлигини, мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилаётган мол-мулкнинг таркиби ҳамда тураржойини аниқлайди.

Шунингдек, ушбу ҳолатларнинг тасдиғи сифатида меросхўрлардан тегишли далил-исботлар талаб қилиб олинади.

Меросхўрларнинг мерос қолдирувчи билан қариндош-уруғчилик муносабатлари тўғрисида қуйидагилар далолат беради:

— ФХДЭ идоралари гувоҳномалари;
— фуқаролик ҳолати ҳақида ёзувлардан кўчирмалари;
— суднинг қариндош-уруғчилик ёки бошқа муносабатлари мавжудлиги ҳолатларини тасдиқловчи қонуний қучга кирган қарорларнинг нусхалари.

— Агар мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган, деб ҳисобланган шахс қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беришни сўраган тақдирда давлат нотариал идораси нотариуси бу шахс мерос қолдирувчининг қарамоғида у билан қандайдир бир йил давомида бўлганлиги, шунингдек, мерос очилгунга қадар бу шахс меҳнат қобилиятига эга бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Давлат нотариуси васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришда мерос қолдирувчининг вафот этганлиги фактини, васиятнома мавжудлигини, мерос очилган вақт ва жойини гувоҳнома берилаётган мерос мулкнинг таркиби ва тураржойини текширади, меросдан ҳақиқатан ҳам ҳисса олиши керак бўлган шахсларнинг доирасини аниқлайди, шунингдек, васиятномани тасдиқланган нотариал идорасидан у бекор қилмаганлигини текшириб кўради.

Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида васиятноманинг меросхўр тақдим қилган ҳақиқий нусхаси ёки дубликати давлат нотариал идорасида қолади.

Саволга Жарқўрғон туман 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Бахтиёр МАХСУМОВ жавоб берди.

Тадбир

Ҳамкорлик самараси

муҳим аҳамият касб этмоқда

ТОШКЕНТ ШАҲАР давлат солиқ бошқармаси ташаббуси билан бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларга тушумлар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичларини баҳарлаш ва солиқ қарзларини ундириш масалаларига бағишланган семинар-йиғилиш ташкил этилди.

Тадбирдан кўзланган мақсад, Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори билан бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларга тушумлар бўйича жорий йилнинг 9 ойлиги учун белгиланган кўрсаткичларини ижросини таъминлашдан иборат.

— Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг "Солиқ қарзини суд ижро ҳужжатлари асосида ундириб олиш бўйича Суд департаменти ва Давлат солиқ қўмитаси ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Суд ижро департаментининг Тошкент шаҳар худудий бошқармаси ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармасининг қўшма буйруғи ишлаб чиқилиб, ҳамкорликда доимий равишда тадбирлар ўтказиб келинаёпти. Тадбирлар натижа-



сида белгиланган график асосида 75 миллиард 812 миллион сўм ундириш ҳақидаги режа белгиланган эди. Жумладан, ушбу режа графикдан 3 миллиарддан ортиқ маблағлар давлат фойдасига, яъни 78 миллиард 944 миллион сўм ундирилди, — дейди Суд ижрочиларининг Юнусобод туман бўлими суд ижрочиси Искандар Мухидов.

Шунингдек, туман ҳокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги "Молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакл-

лантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида"ги қарори асосида тугатилаётган корхоналарнинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий тўловлар бўйича тўланмаган умидсиз солиқ қарзларини ҳисобдан чиқариш бўйича муайян ишлар олиб борилаётганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Туман ҳокимликлари ҳузуридаги "Ягона дарча" марказларининг вакиллари ҳам иштирок этиб, жойларда қўшимча иш жойи ташкил этиш юзасидан ҳокимликлар ва бошқа идоралар билан ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз

Фахрийлар — фахримиз

Буни умр дерлар

Марҳум юрист Баҳром Бобоназаровнинг ҳаётига чизгилар

ИНСОН умри дарёга қиёсланади. Дарё ўз суви билан чўлу биёбонларни боғу бўстонга айлантиради. Яхши инсонлар ҳам шундай умри довомда эзгу ишлар қиладилар. Боғу роғлар яратадилар. Оқил фарзандлар тарбиялаб, фозил шоғирлар ўстирадилар. Қоҳиромонимиз Баҳром Бобоназаров ҳам ана шундай инсонлардан бири эди. У кишининг узоқ йиллик фаолияти борасида ҳўп ва кўп гапириш мумкин.

Халқаро миқёсда "профессионал", деган атама мавжуд. Бу сўз қайси тилда эканлигидан қатъи назар ўз ишининг ниҳоятда устаси бўлган, хизмат вазиёсининг сир-синоатларини, пасту баландини мукаммал билган, ҳуллас, халқ тилида айтганда, ўз касбини "сув қилиб ичиб юборган" инсонларга нисбатан хурмат-эътибор маъносидан қўлланилади.

Бугун биз номини тилга олаётган инсон — Қашқадарё вилоятида, қолаверса, республикада таниқли юрист, 43 йиллик қонун посбони марҳум Баҳром Бобоназаров. Унинг ҳаёт йўли ҳавас қилувчи. Баҳром ака 1966 йили Чирчиқ туман прокуратурасига терговчи бўлиб келганидан бунгача икки йилга яқин Шаҳрисабз туман прокуратурасида касб малакасини эгаллаш (стажировка) даврини ўтаган ва тахрирда орттирган. 1971-1981 йилларда Чирчиқ туманининг прокуратура вазиёсининг қўриқчи бўлиб ишлаганидан кўра, 1981-1986 йилларда Нишон туман прокуратура, 1986-1991 йилларда Яққабғ туман прокуратура

ёрданчиси ва 1991-1996 йилларда вилоят судининг судьяси, кейинчалик нафақага чиққанидан сўнг Яққабғ туман ҳуқуқий маслаҳатхонасида адвокат бўлиб ишлагани.

Шу ўринда устозларимиздан бири Сувон Соқий ҳазратлари анча йиллар илгари Баҳром ака вилоят судида судья бўлиб ишлаб юрган пайтлари у ҳақда "Баҳромбой — қозиларнинг ҳам қозисидур", дея лутф айлаганларидан ниҳоятда ҳақ эди...

Йиллик дўсти, қадрдони, ҳам-маслағи Баҳром ака ҳақида шундай дейди:

— Мен бу инсонни 1966 йилдан бери яқиндан билар эдим. Ўша пайтлари Қўда-ла шифохонасида раҳбар бўлиб ишлардим. Бир бахтсиз ҳодисанинг сабабларини аниқлаш жараёнида у киши терговчи, мен эса шифокор сифатида иштирок этганимиз ва илк бор танишганимиздан эътиборан бир-биримизга маъқул тушиб қолганимиз.

Баҳром ака билан иш юзасидан ҳамкорлик қилган пайтларимиз ҳам бўлган. 1968 йил эди шекилли, Қўда-ла бир найрангбоз табиб келиб, ҳам-мани алдаб, пулини талай бошлади. Бу, албатта, прокуратура эътиборидан четда қолмади. Баҳром ака билан иш-лашимиз қалбимиз асл башарасини фаш этиб, ўша пайтдаги "Қизил Ўзбекистон" газетасига ёздиқ. У тез орада "Хонаки табиб" сарлавҳаси билан бошланган мақола нашр бўлган эди...

Баҳром Бобоназаровнинг фидокорлиги, интилишлари ва ҳаракатлари кўп ўтмай на-тижасини кўрсатди. 1971 йилда Чирчиқ туманининг прокуратура вазиёсининг қўриқчи бўлиб ишлаганидан кўра, 1981-1986 йилларда Нишон туман прокуратура, 1986-1991 йилларда Яққабғ туман прокуратура



Детектив

Эгизаклар

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Мен мана шундай оғир гуноҳга қўл урдим — акамни ўлдирдим. Одам ўз акасини ўлдиргани мумкинлигини тасаввур қилолмаётгандирсиз, авлиё ота? Лекин ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг. Биз ака-ука бўлганимиз учун ҳам мен уни ўлдирганимизга аҳд қилдим. Агар билсангиз, ака-ука ва яқин қариндошларни бир-бирига меҳр эмас, нафрат боғлайди. Қизғи, ака-укалар ўртасидаги адоват етти ёт-бегоналарнинг хусуматидан анча кучли бўлади. Агар аканг сенга қўйиб қўйгандек ўхшаса-чи? Шу ўхшашликнинг ўзидек одамни қушқондан чиқариб, зулм йўлига етаклаши мумкин. Хуллас, акамни шафқатсизларча бўғиб ўлдирганимга айнан нафрат сабаб бўлди...

Уни қудуққа қўмган, боғдан қочиб чиқишга шошилмадим. Ярим соатлардан кейин йўлакчадан боғбон ва унинг ёрданчисининг қадм товуши эшитилди. Энди уларга ўзимни акамдай қилиб кўрсатишим керак эди.

Енимга келишган, қўлим-сираб гап бошладим: — Ниҳоят боғбон жаноби олиилари ҳам етиб келди. Сизларга қўмаклашиш учун қудуққа бироз тупроқ тўкиб қўйдим. Қолганини ўзинглар бир амалларсизлар-а?

Шундай дедим-да, акамдай роз юриш қилиб уй томонга йўл олдим.

Бу ёғи хамирдан қил суғургандай осон кечди. Қўни билан акамнинг хонасидан чиқмай унинг қўндалик ва ҳужжатларини титқилладим. Кечга яқин эса ҳудди акамдек ҳазил-хузул қилиб келиноним билан роса гап сотдим. Собик севгилим энди фақат меники эди. Тунда юрак ҳовуқлаб унинг ётоғига ҳам кирдим. Бекорга хавотирланган эканман — келиноним мени акам деб ўйлаб қўчоқ очиб қарши олди. Хуллас, ана гуноҳга ботдим — акамнинг хотинини йўлдан урдим.

Шундан кейин бир йил қайғу сафо қилиб яшадим. Акамнинг баъзан безовта қиладиган арвоғини ҳисобга олмайча ҳаётим эрталардагидек мароқли эди.

Лекин бора-бора бир маромдаги сокин турмуш менинг бадимга урди. Акамнинг хотини ҳам жонимга теканди. Оқибатда, аввалгидек айш-ишратга берилиб, пулни аймай сарфлаб бошладим ва кўп ўтмай акамнинг мероси тугаб қарзга ботиб қолдим. Энди яна жиноят қўчасига киришдан бошқа иложим йўқ эди.

Аслида акамни ўлдирган пайтимдаёқ бу ишни яна такрорлашимни билардим. Атрофдагилар мени акам деб ўйлаши ишимни фақат осонлаштиради. Қандай қилиб дейсизми? Мен истаган пайтда Корейга кетиб дом-дараксиз йўқолган "ука" қиёфасига кириб жиноятга қўл уришим ва яна "ака"га айланиб сувдан қуруқ чиқишим мумкин эди.

Бунинг устига акамнинг хонасидан топишган бир нарсаси мушкулимни яна ҳам осонлаштиради.

Бир қўни, одатдагидек, акамнинг қўндалигига қайдаримни ёза бошладим. У тирикчилигида ҳар қўни қўндалик тўлдирган ва атрофдагиларда шубҳа уйғотмаслиқ учун мен ҳам шу ишни қилишга мажбур эдим. Унинг ёзувига тақлид қилиш осон эмасди ва бир амаллаб уч-тўрт сатр ёзган, қўндаликнинг орқа бетини очиб акамнинг ёзуви билан солиштирмоқчи бўлдим. Шу пайт қўним ўша бетининг хошиясидаги сиёҳга бўлганган бармоқ изига тушди.

Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди: бу бармоқ изи менинг сиримни фаш қилиши ҳеч гап эмасди. Мен акам иккимизни фақат оғимдаги хол бир-биримиздан ажратади, деб ўйлаб бармоқ излари ҳақида бош қотирмабман. Иккита одамнинг бармоқ изи ҳеч қачон бир-бирига мос келмаслиги хаммага аён-ку!

Дарҳол лўпа сотиб олдим-да, оппоқ қорғога бармоғимни босиб, қўндаликдаги акамнинг бармоқ изи билан солиштирдим. Дастлаб улар бир хилдек туюлди. Лекин диққат билан

разм солиб барибир фарқ борлигини пайқадим. Ҳар эҳтимолга қарши акамнинг хотини ва уйдаги хизматқорларнинг бармоқ изини ҳам уники билан солиштирдим. Бу излар бир-бирига сира ўхшамаскан. Эгизак бўлганимиз учун ҳам акам иккимизнинг бармоқ изимизда ўхшашлик бор эди.


Бошқа жойда ҳам акамнинг изи йўқмикан, деб бутун хонани титқилаб чиқдим. Хайрият, жавон, тортма ва китобларда унинг изи қолмаганди. Энди қўндаликнинг ўша бетини йиртиб ташласам олам гулистон. Лекин шу пайт миямга ғалати бир фикр келди.

Акамнинг бармоқ изидан нусха олиб, кейинги жиноятимда ундан фойдалансам-чи? Шайтон одамни қай йўлларга бошламайди дейсиз?

Яна киминдир ўлдирганимга тўғри келиб қолди, дейлик. У холда дарров Корейдан қайтган бетайин "ука" ролига кираман — бунинг қийин жойи йўқ. Айни вақтда иккинчи қиёфам — "ака" учун ишончли алиби тайёрлайман. Турган гапки қотиллик жойида ҳеч қандай из қолдирмайман. Лекин мабодо кимдир мендан шубҳаланса, акамнинг бо-

Ҳикоя

Эдогава РАМПО, Япония ёзувчиси



қонига белаб, изни деворга туширдим. Кейин хонада бошқа из қолмаганига ишонч ҳосил қилиб жуфтакни ростладим.

Эртаси қўни уйимга терговчи келди. Мен уни пинак бўзмай қарши олдим. Чўнки айбимни исботлай олмастлигини билардим. Терговчи қайта-қайта уэр сўраб, марҳумнинг сейфидаги пулдан хабардор бўлганим учун менга бир-иккита саволи борлигини айтиди. Кейин жиноят жойидан топишган изларга солиштириш мақсадида бармоқ изимни олишга рухсат сўради.

Бажонидил рози бўлиб, унинг мушкулени осон қилган, боқийш дўстимнинг фожияли ўлимидан жуда қайғуда эканлигини айтдим ва терговчига қотилиш топишда муваффақият тиладим.

У кетган яна сувдан қуруқ чиққангизга хурсанд бўлиб, дўстимнинг пулига қайф-сафо қилгани йўлга тушдим.

Лекин бир-икки кундан сўнг терговчи яна келди — кейин билсам, у шаҳардаги энг тажрибали изловчилардан экан. Унинг юзиданги истеҳзоли табассуми қўриб юрагим шиг этди. Изловчилар билан бир парча қорғонни қўйдим. Бу мени хибсага олиш ҳақидаги буйруқ эди. Нима қиларимни билмай гангиз турганимда қўлимга кишан солишди. Энди қаршилик қилиш бефойда эди.

Бу сафар ҳам жазодан қутулиб қолишга турмада ҳам ишончим сўнмади. Чўнки мен ҳеч қим айбимни исботлай олмайдим, деб ўйлардим. Прокурор айбномани ўқиб эшиттирган-дан кейингина адоий тамом бўлганимни тушунадим. Мен аҳмоқ ҳовлиқиб қулгилги бир хатога йўл қўйгандим. Ким билади, балки мени акамнинг қарғиши урандир?

Акамнинг қўндаликдаги бармоқ изи аслида уники эмас, меники экан. Сиёҳ теккан бармоғимни артаётим билмасдан ўзим қўндаликка қўл теккизимдан. Қизғи, прокурорнинг айтишча, бунинг бармоқ изи дейиш ҳам унчалик тўғри эмас экан. Аслида бу бармоқ терисиданги сиёҳ изи бўлиб, фотографик тилида негатив дейиларкан. Оқ қорғоғидан бармоқ изимга қўндаликдаги изнинг нега тўла мос келмаганини энди тушунадим.

Лекин дастлаб буларнинг барига ишонгим келмади. Шунда прокурор бунақа ҳолатлар аввал ҳам бўлганини айтиб бир мисол келтирди.

1913 йили Фукуока шаҳрида асирга тушган немис зобитининг хотини ваҳшийларча азоблаб ўлдирилган экан. Қотилликда гумон қилинган одамнинг бармоқ излари жиноят жойидаги изга ўхшаса-да, тўла мос келмабди. Шунда полициячилар тиббиёт соҳасида доврғ қозонган бир олимни ёрданга қачиршибди ва ўша олим иккала бармоқ изи ҳам битта одамга тегишли эканини исботлабди. Ўшанда ҳам қотиллик жойида негатив из қолдирилган экан. Олим эса бармоқ изларининг расмини катта-лаштираб негативдаги қора ва оқ ранглиринг ўрнини алмаштирибди. Натижада бу из гумондорнинг бармоқ изига тўла мос тушибди.

Шунақа гаплар, авлиё ота. Қўп вақтингизни олганим учун мени кечиринг. Илтимос, айтганларимнинг барини судья ва хотинимга етказинг.

Рус тилидан А.ОТАБОВЕВ таржимаси.

Шу сонга хабар

Қуйи Чирчиқ туманида

ЮРТИМIZ бўйлаб шодиёна руҳ кезиб юрган мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида Тошкент вилоят аҳолисининг қўвончи янада орди. Виллоятнинг Қуйи Чирчиқ туманида фуқароларимизга ҳуқуқий хизмат сифатини янада тақомиллаштириш мақсадида давлат нотариал идорасининг янги муҳташам биноси қўриб, фойдаланишга топширилди.

Барча қўлайликларга эга, замонавий кўркам мазкур бино туман марказида жойлашган боис, аҳолининг узоғини яқин қилмоқда.


— Туманимиздаги давлат нотариал идорасининг эски биноси марказдан четроқда жойлашган эди. Нотариусга иши тушган фуқароларга бормунча ноқўлайликлар туғдирарди. Ҳозирги бинода бу ерга ташириб буюрган миқозлар учун қўнатиш хоналари, ҳуқуқий маслаҳат бурчаклари ташкил қилинган, — дейди тадбиркор Дилмурод Фармонов. — Илгаригидек навбат кутуш, тирбандлик йўқ. Нотариал идора ходимларининг ҳам қайғисини янада юқори, барча масалалар бўйича керакли маслаҳат, хизмат кўрсатишмоқда.

Дарҳақиқат, "Иш қўлингиз сўз бўлса, машаққатинг оз бўлар", деганларидек, ҳар бир ҳодим учун алоҳида махсус хоналар, замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган давлат нотариал идорасининг янги биносида аҳолига сифатли ҳуқуқий хизмат кўрсатишдан авлиа идорасининг ходимлари ҳам, миқозлари ҳам бирдай хурсанд.



Бекобод шаҳрида

БЕКОБОД шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг янги биноси фойдаланишга топширилиши ҳам бекободликлар учун ҳақиқий байрам тўғриси бўлди. Янги бинонинг тантанали очилиш маросимидан ҳозир бўлганларнинг юзидан қўвонч, шодлик аломатлари шундан далолат бериб турибди. Бинонинг кенг, эрта хоналари, сўнги русумдаги техник жиҳозлар, миқозлар учун барча қўлайликларга эга қўнатиш, дам олиш хоналари, ҳуқуқий маслаҳат бурчаклари фуқароларимиз учун қўрсатилаётган ҳуқуқий хизмат сифатини янада ошириши шубҳасиз.



— Атрофга бир қаранг-а, бирин-кетин қад ростлаётган чиройли, муҳташам бинолар, спорт мажмуалари, гўзал хиёбонлар, ободлик ва фаровонлик кўзни қувонтиради, — дейди 86 ёшли Раҳимжон Турғунов. — Шулар жумласидан, шаҳримиздаги давлат идорасининг янги биноси ҳам давлатимиз томонидан фуқароларга кўрсатилаётган улкан ғамхўрликнинг бир ифодаси, деб биламиз. Шаҳар аҳолиси номидан нотариал идора ходимлари хизматидан мамнун эканлигимизни изҳор этаман. Чўнки бу ерга ташириб буюрган ҳар бир инсон нафақат ҳуқуқий хизмат, балки ўзига керакли беминнат ҳуқуқий маслаҳат ҳам олиши мумкин. Нотариал идоранинг янги биносидаги кенг, шинам мажлислар залида ўтказилиши мўлжалланган турли тарғибот тадбирлари аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий маданиятини янада оширишга хизмат қиладилар.

Бекзод ТҲҲИЕВ, Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССОБ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 0001-рқарори билан қўриқилган

177801078008

Бош муҳаррир Кўчқор НОРҚОБИЛ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Усманов Анвар Акрамович
Очилов Алижон Муҳидинович
Мамадалиев Зайниддин Очилов
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи ЕРБЕК ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқун РАҲУПОВ

Нашр жидеҳи 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳақида, офсет усулида "Ўзбекистон" наширият матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ушбу сонда 93А суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 18838.

Бутортиа S-6685.

Тошчириш вақти — 19:00

Тошчирилди — 19:00

Манзили: 100192, Тошкент ш.

Булоқ йўли 1-кўча-1.

Тел: 268-19-74.

Факс: 268-19-31.

Обуна бўлими: 268-19-97

Бақос қилинган нарҳда

1 2 3 4 5